

3. Beyesembiyev T.K. Ideologiya Kokandskogo xanstva. — Alma-Ata, 1989.
4. Bichurin N.Ya. (Iakinf). Opisanie Dzhungurii i Vostochnogo Turkestana. — Sankt-Peterburg, 1829.
5. Tolstova L.S. Karakalpaki za predelami Xorezmskogo oazisa. — Nukus, 1959.
6. Akimushkin O.F. Kokandskoe xanstvo // Sovetskaya entsiklopediya. — 1984.
7. Nalibkin V. Kratkaya istoriya Kokandskogo xanstva. — Kazan, 1885.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СУҒОРИШ ИНШООТЛАРИНИ БУНЁД ЭТИШДА ХАЛҚ ТАЖРИБАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аманов Абдусалим Абдусаломович,
Холматов Мухсин Мўйдинович.**

ҚўқонДУ Тарих кафедраси ўқитувчилари.

Тел: +99891-200-04-66 E-mail: amanovabdusalim1980@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада Қўқон хонлигида суғориш иншоотлари ва уларни бунёд этилишида халқ тажрибаларидан фойдаланиш жараёнларини тарихий манбалар асосида таҳлил қилиш ва ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, қишлоқ хўжалиги, ер-сув муносабатлари, ариқлар қазилар, тўғонлар қуриш, сув тақсими, халқ тажрибалари, нивелировка усуллари.

Аннотация: В данной статье делается попытка проанализировать и осветить процесс использования ирригационных сооружений в Кокандском ханстве и опыт народа в их строительстве на основе исторических источников.

Ключевые слова: Кокандское ханство, земледелие, водно-земельные отношения, рытье каналов, строительство дамб, водораспределение, народные опыты, приемы планировки.

Abstract: This article tries to analyze and cover the process of using irrigation facilities in the Kokand khanate and the experience of the people in their construction on the basis of historical sources.

Keywords: Kokand khanate, agriculture, land-water relations, digging canals, building dams, water distribution, folk experiments, leveling methods.

Уч минг йилликдан зиёд давлатчилик тарихига эга бўлган халқимиз тарихида Қўқон хонлиги ўзига хос ўрин эгаллайди. Қўқон хонлиги тарихини кенг қўламда тадқиқ қилиш тарихшунослигимиздаги долзарб муаммолардан биридир. Жумладан, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги давлатларига нисбатан Марказий Осиёнинг шарқида, табиий шароити яхшироқ, деҳқончилик учун қулай жойда жойлашган Қўқон хонлигида ер-сув муносабатлари тарихини ўрганиш муҳимдир.

Айниқса, Қўқон хонлигида суғориш иншоотлари қурилишида тўпланган бой халқ тажрибаларини ўрганиш ҳали тарихчи олимлар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, халқимиз тарихидаги хўжалик юритиш, суғориш ишларини олиб бориш соҳасидаги бой тажрибаларни бугунги реал ҳаётимизга тадбиқ этишда кенг фойдаланиш мумкин. Охирги юз йилликда халқимиз Орол денгизининг қуриб қолиши ва бошқа шу каби экологик муаммоларга дуч келди. Бунинг сабаби шундаки, халқнинг ер-сувни асраб-авайлаш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш каби одоб-ахлоқ қоидаларига асосланган асрий қадриятларига эътибор берилмади. Аجدодларимизнинг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий одоб-ахлоқ қоидалари унутиб юборилди. Ушбу қоидаларга кўра сув ва ерни ўйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланар эди. Минг йиллар давомида шаклланган, аجدодларимиз томонидан яратилган ва авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолган, аммо унутилган деҳқончилик, суғориш ишларини олиб бориш соҳаларидаги тажрибаларни аниқлаштириш ва аҳамиятини кўрсатиш ҳозирги кунда долзарб аҳамиятга эгадир.

Қўқон хонлигининг марказини ва асосий экин майдонларини кесиб ўтган Сирдарё унинг қон томиридир. Водийда Сирдарёдан ташқари Сўх, Исфара, Шохимардон, Пошшоота, Исфайрам, Новқат, Оқбўра, Қорадарё, Косонсой, Қорабўра, Норин ва бошқа бир нечта катта ва кичик дарёлар ва

сойлар мавжуд бўлиб, улар сунъий суғоришнинг асосий манбалари саналган. Асрлар давомида Ўрта Осиёнинг, шу жумладан Фарғона водийсининг сунъий суғоришга асосланган воҳа ва водийларида ирригация техникаси ва сув хўжалигида жуда бой халқ тажрибаси орттирилган. Қуйида биз уларнинг баъзи бирлари ҳақида, хусусан нивелировка усули ҳақида фикр юритамиз. Халқ тажрибасида канал қазиб тўғон қуриш ва ундан майда ариқлар чиқариб сувни тақсимлаб олишдан бошлаб, мавжуд сувдан унумли фойдаланиш ва суғориш усуллариғача турли хил оқилона тартиб-қоида, ҳисоб-китоб ва жадваллар мавжуд эди. Буни кўрган рус сайёҳларининг хотираномаларида, ўтган аср тадқиқотчиларининг асарларида уларнинг маҳаллий халқнинг ирригация тажрибасига қойил қолганлигини ифодаловчи жуда кўп сатрларни учратиш мумкин. Машҳур сайёҳ А. Миддендорф водий ирригацияси билан танишганидан сўнг шундай деб ёзган эди: «Аввало биз минг йиллар ичида синалган тажриба ютуқларига бой бўлган ерлиларга шогирд тушмоғимиз лозим»[1. – Б:186]

Фарғона водийсида узоқ яшаган рус мутахассиси В.И.Кушелевский водий ирригацияси ҳақидаги ўз таассуротларини қуйидагича ифода этади: «Техник билими жиҳатидан саводли бўлмаган кишилар тик адирлик жойлардан қандай қилиб ўз далаларига сув олиб бора олганларига таажжубланмай бўлмайди; бу ишларнинг барчаси нивелировка билимисиз, асбобсиз бажарилгани кишини ғоят ҳайратда қолдиради»[2. – Б:67]. Ўрта Осиё халқларининг деҳқончилик техникаси асрлар давомида такомиллашиб, бойитилиб келинган. Қадимги хоразмликлар канал чиқаришда шубҳасиз, Муҳаммад бин Мусо ал-Хоразмийнинг математик асарларидан фойдалангани каби, Фарғона водийсида ҳам ариқлар қазилар ва тўғонлар қуриш, сув тақсимоти ва бошқа масалаларда тўпланган бой халқ тажрибаси шубҳасиз, аجدодларимизнинг илмий тафаккурига суянган.

Канал чиқаришда унинг нишобини тўғри олиш, айниқса, Фарғона водийсида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чунки, Фарғона водийси атрофи

баланд тоғликлар ва ўртаси пасттекисликдан иборат котлован¹ шаклида бўлиб, рельефи узунасига шарқдан ғарбга томон нишоблашиб боради. Шунинг учун ҳам асосий йирик дарёлар - Қорадарё ва Норин гидрографик жиҳатдан тез оқар дарёлар сирасига киради. Жанубда Олой тоғларидан бошланадиган дарёлар ҳам баланддан пастга оқиб тушгани учун уларнинг нишоби ҳам анча тездир.

Фарғонанинг бундай табиий шароити суғориш каналлари чиқаришидаги халқ тажрибасида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Қорадарё ва Нориндан каналлар чиқаришда уларнинг боши суғориладиган ердан мумкин қадар баландроқ бўлиши керак, деган халқ амалий тажрибасидаги қоидага асосланилган. Чунки, бу дарёлар водийнинг пастки қисмига оқиб тушган сари тобора чуқурлашиб, улардан сув чиқариб бўлмай қолади. Жануб ва шимолдан водий марказига томон оқиб тушадиган тоғ дарёлари ва сойларида эса—улар текисликка оқиб тушганларидан сўнггина ариқ чиқариш мумкин бўлади.

Фарғонада канал нивелировкасининг бир неча усуллари бўлган. А.Миддендорф бу ерга келганида Улуғнор канали қурилиши халқ хотирасида ҳали янги эди. Текисликда қурилган бу канал нивелировкаси ҳақида одамлар оғзидан у қуйидаги ахборотни ёзиб олган: мўлжалланган канал йўналиши бўйлаб одам бошини сув оқадиган томонга қилиб чалқанчасига ётади. Кўзи илғаган жойгача ерни белгилаб олиб, ўша нуқтагача аввал кичик ҳажмда ариқ чиқарилади, шу равишда аста-секин бўлғуси канал йўналиши белгиланади. А.Миддендорф фикрича, бу гарчи жуда оддий усул бўлиб туюлса ҳам, кўз соққасини ҳаракатга келтирадиган мускуллар фаолиятининг одам чалқанча ётгандаги ҳолати физиологик жиҳатдан текширилганда, нивелировканинг бу усули «маънодан ҳоли эмас»[2. - Б:181].

Шунингдек, Фарғона водийсида нивелировканинг бошқа усуллари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, «қадимги хонлар замонида» канал қазиб учун семиз яйдоқ от устига боғламасдан тўшакча ташлаб қўйиб, ариқ чиқариладиган томонга секин ҳайдашган. Агар тўшакча олдинга, отнинг ёли томонга сурилиб кетса, ўша жойда отни тўхтатиб, ерга қозик қоқилган ва ернинг нишоби борлигига белги қўйилган, агар тўшак орқага кетса, қозик қоқиб, ўрқач ер эканлиги ҳақида белги қўйилган ва канал қазибда ернинг ана шу белгилари назарга олинган.

Яна бир нивелировка усули бўйича бўлажак ариқнинг ўрнида тахминан 10 м. ҳажмида ернинг икки томонига қозик қоқилади, ўртача сув тўлдирилган коса ёки лаган (тоғорача) қўйилиб, сўнг қозикдан қозикқача идиш қирғоғига тегиб турадиган қилиб ип тортилади. Бунда икки ҳолатга эътибор берилади. Биринчидан, агар ер текис нишобсиз бўлса, идишнинг қирғоғига ҳам ип баробар тегиб туриши керак, қайси томонга ип тегмай кўтарилиб турса ўша томон нишоб деб ҳисобланади ва белгига олинади. Иккинчидан, идишдаги сув лиммо-лим бўлиб тўкилмай туриши керак, агарда сув тўкилса, ёки идиш қирғоғига қийшайиб турса, идишнинг ўша қирғоғига ип ҳам тегмай туради, демакки, ўша томоннинг нишоби бор ва бу албатта ҳисобга олинган.

Бу хилдаги усулларнинг тасдиқ қилишича, «агарда ариқ қибла томонга» оқадиган бўлса, унга ҳеч қандай нишоб берилмайди. Халқ миробларининг тасаввурида ҳамма жойдан «қибла томон» паст бўлар эмиш. Фарғона водийси кенглигида «қибла» деб ғарб тушунилади. Бундай мисол ва тушунчалар халқ ирригацияси тажрибасида Фарғона водийсининг рельефи ҳисобга олинганлигини тасдиқлайди. Нивелировка қилишнинг маҳаллий сув усталари хотирасида сақланиб қолган бу хилдаги бир жиҳатдан оқилона усулида сувнинг оқим тезлигига ва канал ости тупроғининг сифатига эътибор берилмайди. Аммо шунга қарамай нивелировканинг бундай усули

«канал ўтказишдан кузатилган мақсадга мосланганлиги билан кишини хайратга солади»².

Бундан ташқари, майда, иккинчи даражали ариқлар чиқаришда энг оддий нивелировка усуллари қўлланилар эди. Масалан сув тўлдирилган тарновни ерга қўйиб кўриб, ёки омов билан тахминий жўяк тортиб, баъзан эса тажрибали кишилар умуман кўз чамаси билан нивелировка қилиб қўя қолар эди.

Фарғоналик кекса ирригатор К. Н. Синявский 1948 йили рус ёзувчиси Всеволод Иванов билан бўлган суҳбатда адир ёнбағирлари бўйлаб оқадиган ариқларни нивелировка қилишнинг халқ усулини унга айтиб берган. Бундай ҳолларда адир ёнбағридан кўзи боғланган бияни қўйиб юборганлар ва унинг изидан канал трассасини ўтказганлар. К. Синявскийнинг айтишича «Кўзи кўрмайдиган бия обдов билан юради, кўр бия алдамайди»[3.-Б:41]. Афсуски халқ ирригация тажрибасининг нивелировка усулига оид материаллар ҳозирча жуда оз. Бундай халқ билимларини тўплашга эндигина киришилаётир.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Қўқон хонлигида суғориш тизими иншоотларини бунёд этишда, жумладан ариқ ва каналларнинг нишабини олишда бой халқ тажрибаси тўпланган ва ушбу тажрибалар асосида хонликда аграр муносабатларни ривожлантиришда асрий халқ анъаналари такомиллаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПб., 1882.
2. В.И. Кушелевский. Материалы для медицинский географии санитарного описания Ферганской области. Нов. Маргилан . 1890
3. В.Иванов. По родным местам. Очерки о Средней Азии. М; 1952.